

Бюджетдан маблағ олувчи муассасаларни хизмат, жиҳозлар ва моддий товар бойликлар билан таъминлаш бўйича

№89281 сонли ШАРТНОМА

2022 й. «27» 5

2022-489-11-166-ОВ-сон

Қўқон ш.

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида иш юритувчи (кейинги ўринларда «Хизмат курсатувчи» деб аталади) Қўқон Электр Нур Жаҳон МЧЖ номидан раҳбар Ш.Қаюмов биринчи томон ва иккинчи томон Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги ҳамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи Қўқон Ободонлаштириш бошқармаси (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари А.Ахмедов ўрталарида куйидаги мақсадларда тузилди.

1. Шартнома предмети

1.1. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи»га куйидаги хизматларни бажариб беради:

Хизмат номи ва тури	Ўлчов бирлиги	Микдори	Нарҳи (сўм)	Суммаси
Қўқон шаҳар Қудуқлик кўчасидаги трансформаторни янги 400 кв лик трансформаторга алмаштириш, 60 та сим ёғочни бетон столбага алмаштириш ва 2 км хаво узаткичларни янгилашга лойиҳа сметаси ва экспертиза хужжатларини тайёрлаш	дона	1	12 000 000.00	12 000 000.00

1.2. Мазкур шартноманинг умумий қиймати 12 000 000.00 сўмни ташкил қилади. Ўн икки миллион сўм (сумма суз билан)

Изоҳ: Шартнома муддати бир ойдан ортиқ бўлганда хизмат турлари ва нархлари келгуси ойлар учун талаб ва эҳтиёждан ва нарх-наволардан келиб чиққан ҳолда алоҳида спецификация ҳолатида тузилиб иккала томон ўртасида тасдиқлангандан сўнг ушбу шартномага илова қилинади ва шартномани ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Ушбунинг натижасида шартномани умумий суммаси ўзгарган ҳолатда қўшимча келишув орқали шартномани суммасига аниқлик киритилади.

2. Ҳисоб-китоб шартлари.

- 2.1 Бажарилган ишлар учун ҳисоб-китоб тўловлар жадвали бўйича ҳисоб-китоб қилинади.
- 2.2 «Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади ҳамда тулик ҳисоб-китобни 60 кун ичида «Хизмат курсатувчи» хизматни бажариб бергандан сўнг, счет-фактураларга асосан, бажариб берилган хизмат қиймати учун пул ўтказиш йўли билан тўловни амалга оширади. Шартнома бир ойдан ортиқ муддатга тузилганда 30% микдоридаги олдиндан тўлов тўлов жадвалига асосан ҳар ойда амалга оширилиб борилади.
- 2.3 Хизматлар учун нарх хизмат бажариб беришга доир ҳисоб китоблардан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажариб берилган хизмат нархлари юқори деб топилса, ушбу фарқ «Хизмат курсатувчи» зиммасидан копланadi.

3. Томонлар ҳуқуқи ва мажбуриятлари:

- 3.1 «Хизмат курсатувчи» хизматни сифатли бажариб берилишига кафолат беради ва хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.
- 3.2. «Хизмат курсатувчи» «Буюртмачи» томонидан ишонч билдирилган, муассаса раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган, шартномага кўра хизмат бажариб беради. Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан шартномада кўрсатилмаган хизматлар бажарса бажарилган хизматлар учун «Буюртмачи» томонидан ҳақ туланмайди. Шунингдек, «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз даражада хизмат кўрсатилса бу хизматлар учун ҳақ туланмайди. Ушбу ҳолатда тегишли далолатнома орқали расмийлаштирилади.

- 3.3. «Хизмат курсатувчи» бажариб бераётган хизматларини ҳисоб-варақларда тўлик ва аниқ номини, навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тўлик реквизитларини расмийлаштириши шарт. Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда хизматнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди. 3.4. «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи» томонидан бажарилган хизматни шартнома шартларига тўғри келишини текшириб олгандан сўнг бажарилган хизмат учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт

4. Жарималар кўланилиши

- 4.1 Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз хизмат бажариб келган ҳолда «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»дан бундай сифатсиз бажарилган хизматларнинг 20 % миқдорида жарима ундириб олиш ҳуқуқига эга.
- 4.2 Агар «Хизмат курсатувчи» томонидан «Буюртмачи»га белгиланган хизматлар белгиланган муддатларида бажариб келмаса, «Хизмат курсатувчи» муддатида бажарилмаган хизматларни умумий қийматини 0.5% миқдорида ҳар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган хизмат баҳосининг 50%дан ошиб кетмаслиги керак.
- 4.3 Бажариб берилган иш учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда ҳар бир кечиктирилган кун учун қабул қилинган хизмат қийматидан «Буюртмачи» томонидан 0.4 % миқдорида аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.
- 4.4. Жарималар тўланиши «Хизмат кўрсатувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди

5.<Форс-мажор>

- 5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлиқ бўлмаган фавқулодда ҳолатларда бузилса (яъни сув тошқини, енгин, зилзила, бошқа табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус қарорларини бажариш билан боғлиқ ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

6. Шартнома муддати

- 6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.
- 6.2 Шартноманинг амал қилиш муддати 2022_йил 31 декабр_гача. Маълум сабабларга кўра бажарилган хизматлар учун ўз вақтида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун қўшимча вақт белгиланади.
- 6.3 Шартнома қуйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин:
- А) томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;
- Б) «Хизмат курсатувчи» томонидан бажариб берилган хизматни сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» томонидан белгиланган тартибда расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;
- В) «Хизмат курсатувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 , 3.2, 3.3. бандлари бажарилмаганда;
- Г) бюджетдан маблағ олувчини харажатлар сметасига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайирилиши лозим бўлгани ҳолда «Хизмат курсатувчи» ушбуга розилик бермаган тақдирда;
- Д) нархлар ўзгариши натижасида маҳсулотларнинг нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки қўшарилиши) лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган тақдирда;
- Изоҳ: б, в, г, д пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шартноманинг бекор қилиниши тўғрисида «Буюртмачи» «Хизмат курсатувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум қилади

7. Қўшимча шартлар

- 7.1 Шартнома юзасидан келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинади. Ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан Иқтисодий судлари орқали ҳал қилинади.

7.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб алохида тузилиб иккала томон иштирокида имзоланиб тасдиqlанади ва илова сифатида ушбу шартномани ажралмас қисми ҳисобланади.

7.4 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдиqlангандан сўнг амалга киритилади.

7.5 «Хизмат курсатувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия гувоҳнома, сертификат... «Буюртмачи»га тақдим этади.

7.6 Шартномани бажарилиши учун тааълуқли хужжатларни ҳаққонийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни тақдим этатган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

Буюртмачи

Қўқон Ободонлаштириш бошқармаси

Манзил Фазлий №1уй

Тел./факс 73 543 00 90

шх/р 401722860304057065100110017

ИНН: 200131694

Молия Вазирлиги Ғазначилиги Қўқон бўлими

х/р 2340 2000 3001 0000 1010 МФО 00014

ИНН 201122919

Марказий Банк Тошкент ш

Хизмат кўрсатувчи

Қўқон Электр Нур Жаҳон МЧЖ

Манзил Қўқон шаҳар А.Т.Хуқандий 130-уй

Тел./факс _____

Х/Р 20208000704524260001

ИНН: 206 672 738 МФО: 00973

Банк номи: ХАТБ Универсал банк Қўқон ОКОНХ 71110



А. Ахмедов



Рахбар

Ш.Қаюмов

Бош ҳисобчи



З.Хамрокулова

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi

Qo'qon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi hamda "Qo'qon elektr nur jahon" mchj o'rtasida Qo'qon shahar Quduqlik ko'chasidagi transformatorni yangi 400 kv lik transformatorga almashtirish, 60 ta sim yog'ichni beton stolbaga almashtirish va 2 km xavo uzatkichlarni yangilashga loyixa smetasi va ekspertiza xujjatlarini tayyorlash to'g'risida shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Loyiha Qo'qon shahar Obodonlashtirish boshqarmasi tomonidan 2022-yil 25-may kuni ishlab chiqilgan hamda tizimga kiritilgan.

Loyiha O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob beradi. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish usullari O'zbekiston Respublikasi «Fuqarolik kodeksi» hamda O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilinadi.

Markaz bosh yuriskonsulti



O.M.Sulaymonov

2022 yil «26» may